

Яҳё Тоға

ТАСАЛЛИ

Шеърлар

Тошкент
Гафур Гулом номидаги
Адабиет ва санъат нашриёти

«КИТОБ» КИЧИК КОРХОНАСИ

Тоға, Яҳё

Тасалли: Шеърлар.— Т.: Ф. Фулом номи-
даги Адабиёт ва санъат нашр., 1993.— 64 б.

Чиқиш маълумотлардан авт.: Яҳё Тоға
(Tofaev).

Азиз шеърхон!

Шоир Яҳё Тоға номи сизга яхши таниш. Унинг
«Қўклам қалдирғочлари», «Қафасдаги бургут» китоб-
ларини ўқигансиз. Бу тўпламга муаллифнинг ўз
кўяғлини шарҳловчи янги шеърлари жамланди.
Шеърларнинг бир қисми матбуотда эълон қилин-
ган, қолган қисми биринчи маротаба ҳукмнингизга
ҳавола этилмоқда.

Биз ноширлар билан асарларнинг етакловчи фа-
зилати САМИМИЙЛИК деб билдиқ. Лекин, ҳукм-
ни сиз чиқарасиз.

Сизнинг ҳукмнинг ҳақ!

Мен бўл жажжи китобчами дўс-
тим Мухаммад Анастия Нуржонга
ва укам Гуффуржонга боғишладим.

Муаллиф

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИДИМ!

ИҚРОР

Шум бўлмаган, тулки бўлмаган
Девонага инондим, она.

Сўздан бўлак мулки бўлмаган
Сўзонага инондим, она.

Болаликнинг саслари тинди,
Ҳавасларнинг қафаси синди.
Ҳайратимга хайр, деб энди
Майхонага инондим, она.

Бу дунёнинг минг ҳийласидан
Ҳайролага инондим, она.
Ўз-ўзининг насибасидан

Ақлим ётмай баланд-пастига
Замонага инондим, она.
Улимларга қасдма-қасдига
Паймонага инондим, она.

Мен кечмадим имондин, она,
Кечдим яхши-ямондин, она.
Умидимга инондим фақат,
Пешонага инондим, она.

1984

ОТАМНИНГ ФАЛСАФАСИ

Энг буюк насиба —
Оллоҳ китоби!
Энг буюк насиба —
Тириклик ва ғам.
Энг буюк азоб бу —
Дўзах азоби,
Энг буюк тасалли
Умиддир, болам.

1985

ҚҰҚЛАМНИНГ ИЛК КУНИ

Юракнинг қорлари ариди,
Қариди аёзниңг сафари.
Хов анов туманнан нарида
Саф тортмиш баҳорнинг лашкари..

Бўғотларда сенга ўқталган
Қишининг ханижарлари синади.
Қўқламини соғиниб томда
Бош кўтаарақ қизғалдокларинг.

Гулбарги лоланинг қалқони,
Қалдирғоч қаноти қиличдир.
Қўзилар ўрмоннинг султони —
Арслоннинг сутими ичмир.

Кўздан уйқу қочиб бир куни
Товонинга томирлар ботар.
Тавоф этиб азиз юртини
Ям-яшил тонглар отар.

1986

6

Ғалати бир йўл танладим мөв
Худойим йўл берса қайтмасман.
Агар шамол тушунса мени,
Тушимни сувларга айтмасман.

Она, бу тонг менинг тушимни
Сувлар ўқимади варақлаб.
Шамоллардан олдим «ўчимни»,
Қарс-қурс синаверди дараҳтлар.

Шамоллар бўрона дўндилар,
Хаёллар уйғона тўндилар.
Сувлар мени англамади-да,
Дарёлар армона тўлдилар.

Менинг тушим — менинг ҳур қушим —
Осмонларда учган варақлар.
Мени тушун, ул менинг ҳушим —
Қарс-қурс синаётган дараҳтлар.

1985

7

ҚУТЛОВ ҮРНИДА

СИНГЛИМГА ЕЛГОН ЖАВОБ

«Қачон уйга қайтасиз, ақа?..»
Муборакнинг хатидан.

Мойга қўлим калталик қилиб,
Нон тугайди ижара уйда.
Чойга пулим ҳам етмай қолиб
Шон тугайди «бечора» уйда.
Шу кун уйга қайтаман, синглим
«Эсдан чиқиб» ижара ҳақи,
Шеърларимни қайсиdir ношири
Амакининг бўйнига тақиб...
Одамлардай яшайман кейин,
Ўз қорнимни, тинчимни ўйлаб.
Кечалари бедор кезмайман
Якка ўзим Ойдинқўл бўйлаб.
Азалардан қолмайман шунда,
Тўйда тўйдай, ненидир «ювиб»...
Минг тирилиб, минг ўлиб кунда
Яшамайман қофия қувиб.
Одамлардай яшайман кейин,
Топганимнан қувониб, қониб,
Болахонам — ижара хонам,
АЗобларим — шеъримнан тониб...
Бир кун уйга қайтаман, синглим..

1982

8

Үқитувчим Нуриддин Қўзиевнинг
«Юбилей»да ўқилмай қолган шеър.

Баъзан май қўигилла беради таскин,
Орзулар, армонлар тўла қўнгилга.
Сархуш термуласиз шонли, сурурли
Умрдан узилган эллик беш йилга.

Хотира ҳориган гавдани тиклар,
Сўлғин юзингиздан тарқалар туман.
Шогирдларнинг метин сафи кўринар,
Барি аълочила, барчаси ўқтам.

Чарчаши билмайсиз болакайларнинг
Тонтига заковат нурини ёқиб.
Шукроня ўқийсиз суюнчиғингиз —
Ашурхон аяга миннатдор боқиб.

— Эҳ ҳали ёшларни кутмоқда,— дейсиз,—
Олис кенгликларда саҳарлар мумтоз.
Ахир шу мунаввар саҳарлар томон
Ўзингиз йўл бошлаб боряпсиз, устоз.

Чечакка чалингган машъум болалик
Гўдак умрингизга солганда соя,
Илк бор қаддингизни тиклаб олдингиз
Ойдин келажакдан тилаб ҳимоя.

9

Кейин-чи бирма-бир вараглайдингиз
Хаёт мактабининг дарсликларин.
Толиблар баҳтига бағишладингиз
Умрии, юракни, меҳр меҳварин.

* * *

Ҳануз интиласиз нурли уфққа,
Қиаличингиз дами қайтмаган ҳали.
Тутоқиб кетасиз гоҳ эзгуликка
Кимдир ёвуз кўзин тиккан маҳали.

Гоҳо таранглашар асаб толиқиб,
Ҳислар кексаликка бериб қўяр жой,
Шунда хаёлларга эрк бериб қўйиб.
Үтмишни хотирлаб сипқорасиз май.

Баъзан май кўнгилга беради таскин,
Орзулар, армонлар тўла кўнгилга.
Сархуш термуласиз шонли, сурурли
Умрдан узилган эллик беш йилга.

1980

Азиз ўқувчи!
Шеър санасини кўрдингиз: минг тўққиз юз саксон.
Биз учун азиз ва мўътабар бўлган улуғ зот — Нуриддин
ака эса яқинда оламдан ўтдилар. Худо раҳматини дарир
тутмасин.

Мен ишувчидар, минг афсуски, шеърни кўп ке-
чикиб чон эттироқдаман.

Бу дилбад инсоннинг пок руҳи бизни афв этсин!
Муаллиф,

10

Шошганингда қунлар ўтмаса қийин,
Суйганинг тўлғониб кутмаса қийин.

Кифтингнан босгандা ёлғизлик юки,
Дўстинг қўлларингнан тутмаса қийин.

Сени деб бир кимса оҳлар урмаса,
Сенинг учун қонлар ютмаса қийин.

Ойдин бир қўшиқни сен ижро этиб,
Элу юрт душманин қутласа қийин.

1980

11

ТҮРТ ТОМОН

Қадрдоним Жамол Сирожи^Здин
Хумий ҳазратларига

* * *

Осмондай тилаклар остида ёлғиз,
Ишқнинг адогида, қасдида ёлғиз,
Қисматниң қоп-қора дастида ёлғиз
Яшаб бўладими, оға?
Маъюс «Сен тенгилар...» деб турса онанг,
Тополмасанг бирор дуруст баҳона,
Ватан бўлолмаса ижараҳонанг,
Яшаб бўладими, оға?
Тақимда улоғу отинг чопмаса,
Энг ишонган дўстинг айбинг ёпмаса,
Шеърингни туйгусиз бирор топтаса,
Яшаб бўладими, оға?
Сени ким сотганин билгинг келмаса,
Ҳақлигинг ҳимоя қилигинг келмаса,
Яшагинг келмаса, ўлгинг келмаса,
Яшаб бўладими, оға?
Ҳали бутун халққа тикиб кўзингни,
Айтишинг шарт бўлса олий сўзингни,
Замон шоир қилиб қўйса ўзингни,
Яшаб бўладими, оға?
Яшамай бўладими?..

Тўрт томонинг қибла.
Тўрт томонинг тун...
Тўрт томона кетиб борасан ёлиғиз.
На йўлда чироқ бор, на дилда учқун,
Томоққа қадалар тўртта жуволдиз.

Ҳар қадамда чечак очилар: таскин!
Ҳар қадамда бир гул янчилар: оғриқ.
Куртакка кушойиш тилайсан ғамгин,
Хазонга азалар очасан, ё раб!

На етиб бўлади, на қайтиб бўлар,
Тўртга бўлинади кўхна чопонинг.
Гоҳ йиглар, гоҳида устингнан кулар
Борса келмас тўртта томонинг.

17.10.87

1980

НАЗАР ШУҚУРНИНГ МУХАММАСИ

Қақраган лабларнинг
қоқ ўртасидан
бир гул ўсиб чиқар

бир куни

бир сўз ўсиб чиқар
иildизи
нақ юракда унинг

1985

Хотиротга айландим, тун ичра хаёл айла,
Жисмим ерга қорилди, руҳим безавол айла,
Қабрим узра бир нафас қаддингни савол айла,
Кел офтобни самога михлаб тилла хол айла,
Барча ерлик ошиқни, жоним, шу чоқ лол айла.

Илҳомни чашмалардан, журъатни шердан олиб,
Ҳар сўзимга урғуни забардан, зердан олиб,
Мен-ку ўтдим, сулувим, ҳаққимни шеърдан олиб.
Иўллар ётар узала, сен барин ердан олиб,
Этмоқ учун камалак, симдай эгиб — дол айла.

Айру айлади толе дудофингнинг болидан,
Қароғинг карашмаси, яногингнинг холидан.
Мен бу кун юз ўгириб тақдирим аъмолидан
Сен юз ювган дарёнинг ичайин зилолидан,
Соҳилидан кетмайин, майли, мажнунтол айла.

Гуллаб турса аёздан саломат қолган бодом,
Фунчаси гулбахорга, довчаси ёзга пайғом,
Ағдарилсин-да бир дам осмон аталган жом,
Тўйиб-тўйиб чўмилсин юлдузлар сойда оқшом,
Сузиб кетай, ҳилолни менга қайнқ, сол айла.

Машқларга сингийин, қолгин рўмолинг силкиб,
Ишқларга сингийин, қолгин рўмолинг силкиб,
Кўшиқларга сингийин, қолгин рўмолинг силкиб,
Уфқларга сингийин, қолгин рўмолинг силкиб,
Мен ботган шафақ рангин қуёш ботмай ол айла.

Уфқа сингди саҳаринг, қайтмас энди ҳеч қачон,
Қумга сингди гавҳаринг, қайтмас энди ҳеч қачон.
Кўкка инди капитаринг, қайтмас энди ҳеч қачон.
Гар севмасанг Назаринг қайтмас энди ҳеч қачон,
Топмагайсан дарагин, кейин қанча фол айла,

1986

ТОЖДОР ХУРОЗГА

Менга
минг бир зулм
етмакда, дедим,
ағёр англади-ю, сен англамадинг.

Ахир,
Орол қуриб
кетмакда, дедим,
девор англади-ю, сен англамадинг.

1985

2-1191

БЕШ ҚИШЛОҚ ҚИССАСИ

ҮНГСҮЗ ҮРНИДА

ТУҚБОЙ
ЭТАГОВУЛ
ЖҰГОРИОВУЛ
НАЙМАН
ТОШЛОҚ

Сарлавҳадаги БЕШ ҚИШЛОҚ.
Улар қайда?
Улар йұқ.
Уларни нағанғ ютган.
Бироқ мен
Әртак айтмоқчи әмасман.

1. ТҮҚБОЙ

Тұқлигинган боймидинг сен,
бойлигинган түқмидинг?
Бу дунёда бормидинг сен,
Бу дунёда йүқмидинг?

Майли түқ бўл, майли бой бўл,
әл эдингми ўзи сен?
Оқиб кетдинг қаёқларга,
сел эдингми ўзи сен?

Бу кўллару бу ҳавзалар
кўз ёшимнан тўлғайму?
Сен балиққа ватан бўлдинг,
менга ватан бўлгайму?

Тұқсайсанам, құзларингнаң
қамишлар ўсиб чиқмиш.
Борай дедим, йўлларимни
куттарур түсиб чиқмиш.

Яrim йўлдан гирён қайтдим,
сен йўлимга зормидинг?
Тушларимни сувга айтдим,
сув остида бормидинг?

Тилим-тилим бўлди бағриш,
дилим тилим-тилим, ҳай,
Қайда менинг эна юртим,
Қайда менинг элим, ҳай!?

Бу соғинчми, армонми бул,
хотирам қатлари хун..
Эсимда бор, йиглай-йиглай
буннан ўттиз йил бурун
Қишлоғимнан кўчиб чиқдим,
кўчим қолди кўчамда.
Ранги рўйим ўчиб чиқдим,
ўчим қолди ичимда.

**Мана бугун ичим куйиб,
ёшим қирқни қоралаб,
Сени эсга олдим, юртим,
қўғаларни оралаб.**

**Юртим, сени эсга олиб
Сувга тўлди қароғим:
Балиқларнинг тўшларинда
ёнар сенинг чироғинг.**

**Бир эл шодон яшар эди
ул замонӣ бул ерларда...**

**Тўнкарилиб ҳовуз бўлган
бу адир, бу қирларда**

**Болалигим кечган менинг
отамнинг ёвқур пайти.
Шу дамларни эсладим мен
кўҳна қўшиқни айтиб:**

**Тўқлигингнан боймидинг сен,
бойлигингнан тўқмидинг?
Бу дунёда бормидинг сен,
бу дунёда йўқмидинг?..**

2. ЭТАГОВА

**Этаговул, этагингнан
тиллаларинг тўкилди.
Лабларингнан аллаларинг,
яллаларинг тўкилди.**

**Этаговул —
балиқларга ем бўлган қишлоқ,
Балиқларга ем бўлган ватан.**

**Балиқларга ем бўлмаган
БЕШ ҚИШЛОҚдан ёдгор қабристон.
Тўрт томони сув,
Беш томони байталмон макон.
Кўргончага олиб чиқувчи
(гарчи бу ердан энди
ҳеч кимса чиқмаса ҳам)
ҳасратдай узун йўлни
айтмаса оролдай гап.**

**Балиқларнинг сукунатида
сукут сақлар улкан қабрлар.
Юзта қабр.
Мингта.
Юз мингта.**

**Биттасида Хатира момонинг
кўз очиб кўргани,
кўз юмиб кўргани
Холхўжа бобо ухлар.**

**Бу масканда
ватанига содиқ қолған
марҳумлар сукут сақлар.
Бу масканда
таналари бужур,**

кўҳна гужумлар сукут сақлар.
Бостирамми, шотими, тутми —
бариға билакдай буралиб,
ўралиб кетган
узумлар сукут сақлар.
Биз билган билмаган
тузумлар сукут сақлар.

II

Мен биламан тоҳида сизни
Ватан ёди қийнайди, момо:
Қафтдек ҳовли.
Тўртта девор.
Қенг дала.
Қетмон.
Ризқ.
Тўрт томон бут.
Тўрт томон очиқ.
Қалдирғочлар, қарғалар — қушлар,
Қизғалдоқлар, қоқигул — чаман.
Болалигингиз кечган тупроқ қўча,
Яхши-ёмон овулдошлар.
Қарчигайдай йигит — Холхўжа,
Бепоён ватан!

· Ватанин сув олди.
Мозор қолди
ва мозорга йўл қолди

Жонингизни ўртагувчи хотирот,
ёдингизни ўртагувчи умр қолди.

Момо, сизнинг дардларингизни
шеърга ўғирмоққа етмади кучим
Шер бўлмоқ керакдур
бу дардларни кўтармоқ учун.

Момо, букик қоматингизни
яна не қўтарар асадан бўлак.
Қаддингизни ростламоқ учун
фил бўлмоқ керак.

Шоир бўлолмадим,
Шерингиз бўлойин, моможон,
Филингиз бўлойин, моможон.
Ҳасанингиз бўлойин,
Ҳусанингиз бўлойин —
Улингиз бўлойин, моможон!

III

Этаговул, этагингнан
тиллаларинг тўкилди.
Лабларингнан аллаларинг,
яллаларинг тўкилди.

Тошлиқ йўлнинг четларида
уйлар қолди бузилиб.

Бу қишлоғнинг одамлари
кетаверди тизилиб.

Эшакдами, аравами —
нимаки келса ўнг,
ёшу қари кетаверди,
ёшу қари тошдай гунг.

От минганилар кетиб борар
юрак-багри ёқилиб.
Түёқлардан ўт чақнайди
ҳар бир тошга қоқилиб.

Аравалар дўйнгалаги
ерга ботиб борор-эй.
Болаларнинг ҳўнграгани
юрга юрагин ёрор-эй.

Ким йиғлайди, ким эзилиб
ортга боқиб бородир.
Ғам ичиди, ғами ичда
карвон оқиб бородир.

Бешахалар тирнааб кетди
деворларнинг бетини.
Кетаверди бегам итлар
ликиллатиб кетини.

Кетар муннан ўксиб чоллар,
кетар муннан кампирлар.

Оғзин очиб қолар мунда
чӯғи сўнган тандирлар.

Деворларга нишон каби
зарб этилган таппилар
ўчаққамас, ушбу сафар
сув остига кеттилар...

Сув остида сув-сув йиглаб,
сув остида оғриниб
Тошлоқ ётар, тошлар ётар
мардумини соғиниб.

4. ЖҮГОРИОВУЛ

Тойлоқ бобо,
 билармидингиз,
 қайдан бино бўлган бу овўл?
Илк гиштини
 ким қўйган эди,
 ким йўл тортган,
 ким келтирган сув?

Билардингиз,
 бунда ҳар баҳор
 қайси гулнинг
 қандай фунча тугушин.
 Билардингиз,

III

Кўмнинг гўвмиши
қайси ойда
нимга туғушин.

Билардингиз
бунда ҳар кесак,
ҳар гувала,
ҳар тошнинг ўрнин.
Кўрмадингиз,
мен бу овланинг
сув остида
қолганин кўрдим.

Кўрмадингиз
сув тошқинини.

Балки...
Балки, шуниси маъқул.
Балиқларга энага бўлди
Сиздан ёдгор Жўгориовул.

II

Тулпорларнинг
тушовлари узилдими?
Манов лашкар
наҳанглардан тузилдими?
Боболарим,
тупроғингиз совумасдан
Сизга бешик
бўлган ватан бузилдими?

Жўгориовул -- жўгоридан
жерга жилғилған журтим.
Жек-жатию жамоаси
жирлаб жийинған журтим.

Жетим,
жесир
жигитлари
жўлда жўғалған журтим.
Жетмиш жилда
жетмиш жоқдан
жомон жўрилған журтим.

Жилаб жийилған журтим,
Жулиб жирилған журтим...

5. НАЙМАН

I

Найман овул, Найман овул,
Бунда келдинг қайдан, овлр?
Най бўғзинда нола эдинг,
Узилдингма найдан, овлр?..

II

Чирчиқнинг сўл қирғоғинда,
Кўрғончанинг ийигинда

бир оувул бино бўлди.

Найман!

Бу қишлоқни янги деб бўлмайди.

Одамлари эски.

Огулнинг номи эски.

Бу номни

иссиқ ўрни совутилган,
ота-боболари маконидан кўчирилган эл
ўзи билан бирга олиб келган.

Найман!!

Элининг бирлиги, уюшқоқлиги
оқибатида сақланиб қолди.

Тўқбойдай, Тошлоқдай
тарқалиб-кетини мумкин эди.

Найман!!!

сақланиб қолди!

Бироқ,
унинг сақланиши нисбий.
Унинг сақланиб қолиши —
улкан бир дараҳтнинг
бошقا жойга кўчириб
ўтқазилишидай гап.

Ҳазил гапми,
ахири бутун бошли бир эл кўчди.

Кўчди.

Кўчманчилик жонига тегмаган экан.
Кўчманчилик томир-томирига сингиб кетган экан.
Кўчиб толмаган экан,

Кўчди.

Фақат

ота-боболар удумидан
фарқли ўлароқ
бул кўчишда ихтиёр йўқ эди,
рағбат йўқ эди,
табиийлик йўқ эди.

Сабабки,

кўчки уюштирилган эди.

Кўчки сунъий эди.

Кўчки мажбурий эди.

Кўчи

Кўчди...

Лекин эл тарқаб кетмади,

Қўргонча аталган
эски бир қишлоқнинг
иийгинда қарор топди.

Шул заминни ватан тутди,

Улар ҳозир-да аҳил,

Кўчки орадаги қадрни
бир қадар мустаҳкамлагандай.

Битта-яримта бошқа юртлардаги
урӯвларини излаб кетганлар ҳисоб эмас,
Уларнинг ўрнига

жўғориувулликлар, тўқбойликлар қўнди.

Битта-яримта қочиб кетган

ёки узатилган қизлар-да ҳисоб эмас.

Уларнинг ўрнига Найманнинг

Олпондай, Тўлагандай йигитлари
бўлак кенту оувуллардан

Сирдарё бедор эди,
Йўқ энди, йўқ энди.

Ойбарчиндай, Қизжибекдай қизларни
олиб қочиб келдилар,
айтириб олдилар.
Энди Найман абадни яшайди.
Энди Найманни
яна бир кўчирмоққа
на беклик, на пошишолик
журъат этар.
Хўрликининг, ҳақоратининг
чеку чегараси бордир, ахир.

III

Юзларингнан айналайин,
Тузларингнан айналайин,
Иzlарингнан айналайин,
Айналайин, Найман овул!

Бўйларингнан айналайин,
Ўйларингнан айналайин,
Тўйларингнан айналайин,
Айналайин, Найман овул!

СҮНГ СҮЗ ЎРНИДА

I

Бешта қишлоқ бор эди,
Пиру пурвиқор эди.
Үнгда Чирчиқ, сўлинда

Бешта қишлоқ бор эди,
Ҳар куни бозор эди.
Томорқада маккайи,
Бедаю кўкнор эди.
Йўқ энди, йўқ энди.

Бешта қишлоқ бор эди,
Ҳар фасли баҳор эди.
Ҳар дарчада бир Қумуш
Отабекка зор эди.
Йўқ энди, йўқ энди.

Бешта қишлоқ бор эди,
Яшил туғи ор эди.
Бўридай ориятли,
Кўйдай беозор эди.

Йўқ энди! Йўқ энди!!
Борлиги бекор энди...

II

Бу беш қишлоқ
бир азим вилоятнинг
азим бир туманинда
ер тутмишлар эди.

Бул кун улар
дорул бақога юз тутдилар.

Иўқлик мулкина сафар тутган
қишлоқлар,
овуллар,
кентлар,
тақдирлар,
қисматлар...
бул туманда қанча?
Вилоятда қанча?
Дунёда чи?
Худо билади.
У билгувчидир!

Мен билмадим.
Билганимни айтдим.
«Қолганини балиқлар айтсин!»¹

1985-91

¹ Рауф Парфи сатри.

ҲАР НЕ АЙТДИМ

Хар не айтдим. хато келади
Минг бир жазо ато келди.
Қай кимсанинг руҳи кўкда,
Онинг жисми гадо келди.

Бу очунда бахт ахтардим,
Маним бахтим дуто келди.
Ситам топдим, алам топдим,
Ғамим қадди расо келди.

Қисматимда бир онамдан
Меҳр — радди бало келди.
Дийдасидан дардларимга
Шифо келди, даво келди.

Булбул эрдим, бир гул эрдинг,
Олтун қафас раво келди.
Тоғлар босди курагимдин,
Умид — ёлғиз асо келди.

Бўлмай адo риёзатлар
Қиёматдан садо келди.
Оҳ, дедиму, лабимга жон
Келди, сўнгги ҳаво келди.

1985

МУҲАББАТ

Ишқ ва ҳақ кўйида телба бўлиб
қолган юртдошим Абдулҳақ оға
ҳақида билгандарим.

I

У бир йигит эди соркелбат,
Ошиқ эди сим-сим йиғлаган.
Суйганининг олдида ҳеч вақт
Тили калимага келмаган.

Тўқбойдаги ҳар битта дараҳт
Тунлар бўзловига жўр эди.
Гуллар унга тилар эди баҳт,
Бироқ, пешанаси шўр эди.

II

Тўй-ҳашамда қолмади ўрни,
Азаларда йиғлашар Усиз...
Жар бўйида қолдириб «кўр»ни,
Гўё йўлга чиқиб олдик биз.

Эсиз, эсиз, эсиз.

Беъли синиб қолаверди У,
Ери кетди шармисор этиб...
Энди бирор салом ҳам бермас,
Оғам демас бирор ор этиб.

Кўнгли қолиб одам зотидан
Елғизликни ватан қилди У.
Муҳаюатнинг азобларини
Борлигига кафан қилди У.

Ҳамдард бўлди юлдузлар фақат,
Тунлар фақат ҳамдам бўлди ой.
Тополди У на зарра шафқат
На одамлар орасидан жой.

Ҳеч келмади Унинг қошига,
Топингани ёсуман бўлди.
Қирлар ёстиқ бўлди бошига.
Епингани осмон бўлди.

III

Раис эди, «ҳожатбарорлар»
Артмоққа шай ҳатто кетини...
Оёғини ялашга тайёр
Каслар бугун булғар отини.

Бирор у дер, бирори бу дер,
Хуллас битта оти минг ямоқ.

Телба дерлар, девона дерлар,
Аблақ дерлар йиртишиб томоқ.

«Аблақ» дерлар (Абдулхақ эмас).
Күнгли каби исми ҳам ярим.
Уни телба қылган ҳаёттинг
Бахт аталган қисми ҳам ярим.

Аблақ — бу сүз қайси бир тилдан,
Маңыниси не, етмади ақлим.
Бугун мен ҳам муҳаббат деган
Изтиробни күксимга тақдим.

Мен ҳам ёндим — юзма-юз бўлди
Минг бир оғат ва битта тоқат.
Софинганим бир гулюз бўлди,
Телба бўлиб қолмадим фақат.

IV

Бугун Уни яна кўрдим мен
Қўргончанинг катта йўлида.
Кифтида қоп, кўзларида мунг,
Хуржунми, бир бало қўлида,

Боши хиёл өғилган, қадди
Тоғ кўтарган одамдай эзик.
Кайларгадир кетиб борарди
Бу серқайгу дунёдан безиз.

Боқиб қолдим ортидан дилгир
Кузатганча бу ғамгарданни.
Оғриқ турди бағримда оғир:
— Мен ҳам шундай севоларманми,
Мен ҳам шундай севоларманми?

V

«Мен ҳам Сиздай севоларманми?..»

1984

* * *

Сутдай тунда тутдай тўкилиб,
баҳорги булултдай тўкилиб,
сойга термулган кўйи,
сув бетида ёшдай қалқиб турган
оїга термулган кўйи
нималарни ўйладинг, дўстим,
нималарни сўйладинг
ўзингга ўзинг?

Нега кифтинг титраб чиқди тун бўйи,
бунда келдинг кимлардан тўйиб,
кимлардан куйиб?
Кўшиқ айтмаганинг рост, бироқ,
менинг эшигтганим не нола, дўстим?
Сутдай тунда
рангинг нега бўздай оқ,
тун бўйи бўзлаган
бўз бола дўстим...

1983

ТАБИАТ ҚУЧОГИДА

Ейиб юборар-да оппоқ этагин
Бир қиз чўк тушади кўм-кўк майсага.
Кўл чўзгандай бўлар ям-яшил бурган,
Кип-қизил қизғалдоқ саросимада.

Кўнгир соchlарини ўйнар шўх шамол,
Кўёшнинг тифида сутдай кураклар.
Қоп-қора кўзида ёнади бир ўт,
Шу ўтда ёнади Қари тераклар.

1982

ҮТТИЗДАГИ АЁЛ

ҚУҚІЛА.

Олманинг ҳар гули қўнгироқ бул,
Боғлар уйғонади тонгда аксириб.
Шу кунга-да етдик паймона тўлмай,
Энди пардаларни суринг, тақсири.

Пардаларни суринг, дарчалар кулсин,
Ифорлар қутласин тор хоналарни.
Офтобда тоблайлик, тақсири, бир зум
Бу зах тортиб кетган паймоналарни.

1987

Чаккада оқ толалар пайдо:
Хечқиси йўқ.
Теграсида болалар пайдо:
Хечқиси йўқ.
Уйқуда ҳам олалар пайдо:
Хечқиси йўқ.
Тунлар гоҳо нолалар пайдо:
Хечқиси йўқ.

Бу аёлнинг
үттизга чиққиси йўқ.

Эрта кетиб кеч қайтар эри:
Хечқиси йўқ.
Үттизгаму кирганин бери:
Хечқиси йўқ.
У зулфидан пахталар терар:
Хечқиси йўқ.
Кўкрагида бир умид эрир:
Хечқиси йўқ.

Бу аёлнинг
үттизга чиққиси йўқ.

Қарогидан ахтарар таскин:
— Ҳечқиси йўқ.

Турмуш деган дор келиб қолди:
Ҳечқиси йўқ.
Рўзгор деган ғор келиб қолди:
Ҳечқиси йўқ.
Турфа ташвиш ёр келиб қолди:
Ҳечқиси йўқ.
Сийнабанд ҳам тор келиб қолди:
Ҳечқиси йўқ.

Бу аёлнинг
ўттизга чиққиси йўқ.

Ўсма тортиб яйрайди бу қуш:
Ҳечқиси йўқ.
Сурма тортиб яйрайди бу қуш:
Ҳечқиси йўқ.
Ўз-ўзини аврайди бу қуш:
Ҳечқиси йўқ.
Бир нағмани сайрайди бу қуш:
— Ҳечқиси йўқ.

Бу аёлнинг
ўттизга чиққиси йўқ.

Бир сўз мудом узади тизгин —
Ҳечқиси йўқ.
Лабига ўт қўяди эзгин
Ҳечқиси йўқ.
Тошойнанинг қошида ғамгин
«Ҳечқиси йўқ!»

Бу аёлнинг
ўттизга чиққиси йўқ.

II

— Ҳаққингизни олдингиз, янга.
— Ҳечқиси йўқ.
— Эрта қариб қолдингиз, янга.
— Ҳечқиси йўқ.
— Гул эдингиз, сўлдингиз, янга.
— Ҳечқиси йўқ.
— Энди ўтин бўлдингиз, янга.
— Ҳечқиси йўқ.

Бу аёлнинг
ўттизга чиққиси йўқ.

III

Ўтин бўлсан ёнадирман,
Қайножоним.
Беш болага онадирман,
Қайножоним.
Бўғидан кўнглимиз тўқ,
Қайножоним,
Уттизга оғангиз чиқди,
Қайножоним,

Мен ўттизга чиққаним йўқ,
Қайнижоним.

Мен ўттизга чиққаним йўқ,
Қайнижоним.

Ўттиз менга чиқди найлай,
Қайнижоним,

Энди қайга борадирман,
Қайнижоним!?

Ўтин бўлсам ёнадирман,
Қайнижоним!?

Юрагимни пона айлаб,
Қайнижоним,

Бул ўтинни ёрадирман,
Қайнижоним.

Ўтин бўлсам ёнадирман,
Қайнижоним!..

1986

ВИСОЛ

Ӯсмонга тикилиб ётибман
Бедазор қўйнида бир ўзим.
Биламан, қайдадир энтикиби,
Бир сулув излайди юлдузин.

Қитирлар, читирлар, шитирлар
Беозор қадамлар товуши.
Ул сулув келмоқда мен томон
Бағрига босганча ковушин.

Келар-да ўлтирас, мўлтираб
Атрофга ҳадикда қарайди.
Бечора қўлларим қалтираб
Майсани силайди, тараиди.

Тугамай ишвали «араз»лар,
«Сал тўхта».
«Яна сал, бир оз...» лар.
Кичқириб юборар лаънати
Үйқуни билмаган хўроллар.

1981

ВИСОЛДАН СҮНГ

Ҳасан ақага

Боғ деворидан ошиб
Кетар экансан секин,
Қарғаб қолар онаси:
— Оғзингнан қонинг келсин.

Қизининг биқинидан,
Орқасидан чимчилаб,
Үйига олиб кирад
Оғзидан қон томчилаб:

— Қим эди у, шарманда,
Яна ўша Ҳасанми,
Қирчинингда қийилгур?
Отангга айтмасамми...

Буёғин қиз эшитмас,
Кўз олди тумон бўлар.
Ҳасан кетган йўл тумон
Қайтари гумон бўлар.

Қари отда отаси
Тунда фермадан қайтса,
Қизининг «қўйлмиш»ини
Агар онаси айтса —

От емаган ўрама
Унинг кифтиң куйдирап...
Ошиқ бола, тушингга
Қиз кирад, қамчи кирад.

На овута оларсан,
На бероларсан таскин.
Онасини сўкарсан:
«Оғзингнан қонинг келсин...»

1984

БҮЙДОҚНИНГ МУДДАОСИ

(Хазил)

Хизматни ҳам битириб
келганимга йил түлди,
Қўшқокил Мадинанинг
ишқига кўнгил түлди.

Тунлар уйқум бузилди,
кунлар айниди ўйим.
Бир Мадинага атаб
мингта шеър ёзиб қўйдим.

Сабр битди бир тўйда.
Келин-куёв ярашиб
даврага кирганида
кўзим кетди қамашиб.

Ўзимга сиғмай қолдим,
кўзимга сиғмай қолдим.
Тўйдан чопиб келдим-да,
Отамга йиглай қолдим:

— Маҳаллада ҳар куни
йигин, ота, тўй, ота.

Мени ҳам бирор қизга
унаштириб қўй, ота.

Бир бало қип қўймасин,
дессанг болам ўзини,
ота, менга олиб бер
Қарим зўрнинг қизини,

1982

ИЗХОР

Сени излаб келдим атайин,
Юмушга ҳам чиқмадим бугун.
Яна келдим қўлингни сўраб,
Қолмасин деб кўнгилда тугун.
Кўрғончанинг кўчаларида
Онам қолди,— Кўндириб кел,— деб,
— Сўзларингни йўқотиб қўймай,
Нима бўлса бўлдириб кел,— деб.
Келдим, энди сенда ихтиёр,
Сен не десанг шу бўлади, ҳа.
Агар ҳозир «Хўп!» деб юборсанг,
Бир ҳафта ҳам ўтмай — Фотиҳа.
Рози бўлсанг бўлди, иккимиз
Қузга қолмай никоҳдан ўтиб,
Тошкентни ҳам, Самарқандни ҳам
Тўйимиизда оламиз кутиб.
«Фалончининг тўйи...» дегулик
Тўй бўлади сен «Майли!» десанг.
«Артисларнинг зўрин чақириб
Етти овулга зўр тўй бермасам...»
Деб юрибди отам ҳам.

1981

50

СОҚЧИ ИИГИТ ХИРГОЙИСИ

Тўп-тўп ўтаётган хушқомат қизлар,
Ажин тушмасин-эй юзларингизга.
Омад кулиб бир кун менга ўшаган
Бир довдир учрасин ўзларингизга.

Уша «довдир» каби алқаб яшайин
Ойдин қўшиқларда ҳамиша сизни.
Фақат бул эшиқдан ўтар бўлсангиз
Кўрсатиб ўтингиз ҳужжатингизни.

1982

51

* * *

Сени кутаяпман.
Тарбияттар гүлгәр,
қоровул ұмдрап.
Хұроздар пинакка
кетган ушбу дам.
Сени кутаяпман.
Оқариб боради
киприклар, қошлар.
Муз қотиб қолади
күпприклар, тошлар.
«Құ-қүғ»лаб құяди
құноқда даканг.
Сени кутаяпман.
Хой, иссиққина уйда
соң ўрган санам,
жонини садқалар
қылмоқчи аканг.
Хұроздар уйғонмай
чиқақол.
Бир тищлам ҳаётни
тилим остида
авайлаб беҳол
Сени кутаяпман.

1979

52

* * *

Оғеңинг музлайди, құлинг музлайди,
Баданингда титроқ, күксингда титроқ.
Шамоллаб қолишидан құрқмайсан бугун,
Чиқмай қолишидан құрқасан бироқ.

Қоронғу тушади, қатнов тұхтайди,
Ұчар улкан уйда эңг сүнгги чироқ.
Жоҳил отасидан құрқмайсан бугун,
Чиқмай қолишидан құрқасан бироқ.

Сен кутиб толмайсан, куттириб гулинг,
Түн энді бошланди, тоң ҳали узоқ.
Васлингга чиқишидан құрқмас севгилинг.
Лаънати гап-сүздан құрқади бироқ.

1982

53

* * *

Бу тун итни боғламас отанг,
Ховлингдаги чироқ ўчмайди.
Деразадан жим термуласан,
Ташқарида кутади «дайди»нг.

Ташқарида отанг ухламас,
Ухлатмайди онангни тергаб.
«Дайди»нг кутар ташқарида маст,
Ташқарида «Олапар» сергак.

1982

* * *

Энди
Мени кечирмайсан, биламан,
Бармоқларинг силамайди сочимни.
Қаттиқ суйиб,
Күйиб қолган боламан,
Ит тирнайди тунлар энди ичимни.

Энди
Сенга ярашади не қилсанг...
Шеърларимни ўқимайсан жўрттага.
Хатларимни
Ииртиб ташлаб беписанд
Улоқтириб юборасан кўчага.

Энди...
мени кечирмайсан...
биламан...

1982

«2»ЛАР

Сўкиб қоғдим сизни бир куни:
«Малимларинг ўзингга...» дедим.
«Катта бўлсам барибир
Уйланаман қизинга!» дедим.
«Даккиларинг жонимга тегди,
«2»лардан роса тўйганман.
Қизинг ўзи, тегаман, деди,
Қулогини тишлаб қўйганман.
Дарсингаям кирмайман энди,
Синфда ҳам қоламан,
Лекин, ўша ориқ қизингни
Олиб олсан ўзим биламан...»
Қочиб кетдим таёқдан қўрқиб,
Ёмон эди феълингиз, «малим».
(Собир билан Адҳамни қандай
Урганингиз дунёга маъляум).
Катта бўлдим.
Энди уришга
Кучингиз ҳам етмайди, бироқ...
Битта «оқ»ни газитга ўраб,
Ўзим келдим кечирим сўраб.

1982

56

ПЕШОНА

Совчиларнинг қаноти синди,
Кифтинг учиб йиглайсан, гулим.

Уша кўпrik устида энди
Мени қучиб йиглайсан, гулим.

Кўкрагимда эрийди кўзинг,
Ениб-ўчиб йиглайсан, гулим.

Йигиларинг сифару, ўзинг
Пешонамга сифмайсан, гулим.

1982

57

ЯНГАЛАР

Нима қилса қилди янгалар,
Бағримизни тилди янгалар.
Сени оққа ўраб-чирмашиб,
Менинг терим шилди янгалар.

Тупроқ йўлга чўккалағ қолдим,
Оёғимда тугаб мадорлар.
Янгаларга тош отдиму мен,
Бошларимни ёрди «ёр-ёр»лар.

Энасини сўқдим уларнинг,
Улим тилаб кетди янгалар.
Келинчакнинг ёшини артиб,
Кўлин силаб кетди янгалар.

Бахмал кўрпа-тўшаклар солиб,
Ағанашиб кулди янгалар.
Ичкарига қўймай куёвни,
Беш-ўн сўмлик бўлди янгалар.

Ўша кечга мен ўтда ёндим,
Ўша кечга йиғлаб чиқди шам.
Мен энг ғамгин шеъримни ёздим,
Мени эслаб қўймадилар ҳам.

Уйларингга чимилдиқ эмас,
Қора парда илди янгалар.
Сени бошқа биронга бериб,
Нима қилса қилди янгалар.

1982

58

* * *

Дардимизни билмай, қувониб,
Ҳар балони бекор айтиб Сиз,

Жўнарсиз-эй жонимни олиб
Бўғилганча алёр айтиб Сиз.

«Остонаси тиллодан...» куёв
Мақтовини такрор айтиб Сиз,
Қисматимга кетарсиз ташлаб
Айрилиқни «ёр-ёр» айтиб Сиз.,

1982

59

ИККИ ҚИЗ

Бахт ва қайғу —
икки сулув қиз,
икки ҳурилиқо.

Бири итдай садоқатли,
бири бевафо.

1983

ҮН ГУЛИДАН БИРИ...

Онинг гули
ўнталигӣ ёлғон экан,
Битта экан,
ул очилиб қолғон экан.

1984

УЛ СУЛУВНИНГ ҚҰЛБАЧАСИ

Құл бүйіда ул сулувнинг күлбачаси,
Полизида ўтлаб юрар куррачаси.
Үтгали ҳеч ботинолмай ичкарайт
Тут тагидан мұралайди мұғбачаси.

Дикир-дикир сув олғали ошхонадан
Сулув чиқар құлчасида хурмачаси.
Ошиқ бола шошиб қолар, шошганида
Чүнтагида қолиб кетар тұхфачаси.

Соҳибжамол сув олади әгилибо,
Қора қошга соя солар дүррачаси.
Бир бечора түймас сира тикилибо,
Нимчасини турта турар ғуррачаси.

Қиз қайтади билаклари тола-тола,
Орқасидан эргашади куркачаси.
Хөвлисини этагига макка сепар,
Маккадек-эй күйлагини тұгмачаси.

Энажони қизчасини яқосига
Тумор илар, ярқирайди нұқрачаси.
Энди санам дүппи тикар акосига,
Бармогига қадолади игначаси.

Оғриқдан ул «оҳ», дейди-ю, зоҳир бўлар
Инжагина лабларини бурмачаси...
Шунинг билан шеъримиз ҳам охир бўлар,
Қўйилади унинг сўнгги нуқтачаси.

1984

СҮНГСУЗ ЎРНИДА

Яхё Тоганинг илк шеърлари ёқ кенг ўқувчилар орасида қизиқиш уйғотди. Бироқ бу «кенг»ликдан андак хавотирга тушиб эдим, ўтиб кетди. Чунки, адабиётта ҳам ҳаётдаги каби барчага маъқул бўлишнинг хавфлироқ жиҳатлари йўқ эмас экан. Ииллар ўтди, унинг шеърлари сингари ўқувчилари ҳам сараланиб бордиким, бу чинакам санъат аҳлига насиб этадиган толедир.

Унинг шеърларида манзаралар мусиқий ҳаралтланади, ўзбекча рангланади. «Гавҳаройим», «Тўй», «Янгалар» сингари бир қанча шеърлари эл орасида қўшиқ бўлиб кетди. Яхёнинг дастлабки шеърларига ҳам синчиклаб қаралса турғунлик йилларининг қишлоқ бағрида қолдирган жароҳатли излари бўртиб кўрниади. Шоир ҳамиша ёшдир. Ҳамиша шеър олдидা қўрқув ошнодир. Бу ошнолик учрашув завқини кучайтиради. Таассуротда «гарди рўмол ёпинган» ватан қолади. Ва шу тариқа биз халқчил деб атайдиган — Шеър туғилади.

Иўлдош Эшбек,
1992 йил 15 ноябрь.

МУНДАРИЖА

Иқрор	3
Отамнинг фалсафаси	5
Қўкламнинг илк куни	6
«Фалати бир йўл...»	7
Синглimgа ёлғон жавоб	8
Қутлов ўрнида	9
«Шоҳганингда кунлар ўтмаса...»	11
«Осмондай тилаклар...»	12
Гўрт томон	13
«Қақраган лабларнинг...»	14
Назар Шукурнинг мухаммаси	15
Гождор хўрозга	17
Беш қишлоқ қиссаси	18
Ҳар не айтдим	33
Мұхаббат	34
«Сутдай тунда...»	38
Габиат қучоғида	39
Қўкламда	40
Утиздаги аёл	41
Висол	45
Висолдан сўнг	46
Бўйдоқнинг муддаоси	48
Изҳор	50
Соқчи йигит хиргойиси	51
«Сени кутаяпман...»	52
«Оёғинг музлайди...»	53
«Бу тун итни...»	54
«Энди...»	55
«Дўлар	56
Пешона	57
Янгалар	58
«Дардимизни билмай...»	59
Икки қиз	60
Уи гулидан бири...	60
Ул сулувнинг кулбачаси	61
Сўнгсуз ўрнида. Иўлдош Эшбек	62
	63

«Китоб» кичик корхонасининг буюртмаси
Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Яҳё Тоға (Toғaev)

ТАСАЛЛИ

Шеърлар

Муҳаррир *Муҳаммад Ҳайдар*

Рассом *Аҳмаджон*

Расмлар муҳаррири *Х. Тиллаева*

Техн. муҳаррир *К. Орифжонов*

Мусаҳҳих *И. Зокиров*

ИБ № 5141

Босмахонага 15. 12. 92 да берилди. Босинаша
17. 07. 93 да руҳсат этилди. Бичими 60×84 $\frac{1}{32}$.
Босмахона қоғози № 2. Адабий гарнитура.
Юқори босма. Шартли босма тобоги 1,86. Шарт-
ли кр.-оттиск Нашр тобоги Тира-
жи 5000. 1191-рақамили буюртма. 1139—92 рақам-
ли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. «Китоб» кичик корхонаси.
Узбекистон Республикаси. Матбуот давлат қў-
митаси 1-босмахонасида босилди. 700002, Тош-
кент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-йй,